



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 4 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (13.937)

Баҳоси эркин нарҳда

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти "уйғонмаётгани"ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтати. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, куйи тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаш керак. Одамлар қуруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланиш кузатилмаяпти. Қани рақобат, қани или, қани натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўлатуриб, вилоятдаги резерв ва имкониятлар тўлиқ ишга солилмаётгани, sanoat соҳаси ханузгача бир нечта йирик корхона билан чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пскент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Куйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманларида sanoat ривожини кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Куйи Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Пскент ва Бўка туманларида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.

Йиғилишда тадбиркорлик ва қишлоқ ҳўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрэн шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30-33 фоизга чиқиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади.

Нима учун оилавий тадбиркорлик, уйларда паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, даямпиз? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

"Ангрэн" эркин иқтисодий зонасида 470 гектар ва "Бўстонлик-фарм" зонасида 20 гектар майдон ханузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли "Ангрэн" эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг "Инчон" эркин иқтисодий зонасига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20-30 тадбиркорни танлаб, Корея Республикасига хиз-

мат сафарини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тадбиркорлар "Инчон" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу - ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40-50 фоиз. Бўка, Куйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормади. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 144 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги маиший чиқиндилар ташланадиган Оҳангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Уни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу тозалик, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари.

Ичимлик суви, оқова тизими объектлари билан бирга умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун қўшимча равишда 1 триллион 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Президентимиз Нурафшон шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Бу шаҳар 2017 йили Тошкент вилояти маъмурий марказига айлантирилиб, масъул идора ва ташкилотлар шу ерга кўчирилди, уларга зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ўтган йили шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Янги маъмурий марказда аҳоли учун барча шарт-шароитларни яратиш, инфратузилма ва коммуникацияларни янгиллаш, пойтахтимизда бошланган бунёдкорлик жараёнини вилоят марказига ҳам кенг ёйиш мақсадида 246 гектар майдонда "Smart city" қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Тўлиқ "ақли" технологияларга асосланган ушбу "ақли шаҳарча" уч босқичда барпо этилади. Биринчи босқичда жами 1792 квартиралар тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилади. Янгидан қад ростлайдиган Нурафшон университети ёшларнинг замонавий касб-хунарга эгаллашишга замин яратса, ёпиқ спорт мажмуасида бадиий гимнастика, теннис, кураш ва қиличбозлик каби спорт турлари бўйича йирик мусобақалар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев яқинда пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг Боготин қўчасида қурилаётган 9 қаватли уйлар билан танилиш чоғида бундай турар жойларни вилоят марказларида ҳам барпо этиш зарурлигини таъкид-

лаган эди. Ушбу тавсия асосида Нурафшонда 21 та шундай уй қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари барпо этилади.

Нурафшон мамлакатимизда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Нурафшонда канализация тармоғи умуман талабга жавоб бермас эди. Мавжуд тозалаш иншооти бутун шаҳарни қамраб ололмади. Шу боис қурилиш давомида муҳандислик коммуникациялари бутунлай янгиланади.

Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгидан барпо этилмоқда. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, сервис шохбачалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши бошланган. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган.

Тўрт полсалли магистрал автомобиль йўли билан бирга ички йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва пидедалар йўлакчаларига жой ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилди, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент йўли кўчасида тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмидан "Smart city" марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши режалаштирилган. Айти пайтада аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун 100 гектарлик технопарк яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Президентга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида 2022 йилга бориб, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 92 фоизга етказиш имконини берадиган ушбу лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг маблағлари жалб этилади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 50 гектар майдонда инновацион савдо мажмуаси қурилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган мажмуада 5 мингга дўкон жойлашади, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2021 йилда ишга тушириладиган мажмуада ноозик-овқат маҳсулотлари, маиший товарлар, қурилиш материаллари савдоси йўлга қўйилади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканини, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуришда ҳудуднинг шу имкониятини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, Ўза махсус мухбирлари

янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилади. Узаро фойдали битимлар тузилади. Шубҳасиз, мамлакатингиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон - АҚШ ҳамкорлиги ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Кан Чжэ КВОН, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Президент Шавкат Мирзиёевнинг икки йил аввал Корея Республикасига ва Президент Мун Чжэ Иннинг утган ойда Ўзбекистонга давлат ташириқлари мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада юқори босқичга кўтарди. Менинг вазифам икки томонлама келишувлар ихросини таъминлаш ва халқларимизнинг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат. Ихтисосим иқтисод соҳаси билан боғлиқ, бир қанча мамлакатларда ишлаганман. Ҳозирдан бошлаб келаси икки йил мобайнида асосан мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка эътибор қаратаман.

Мамлакатингизга элчи сифатида тайинланганимда кўнчилик аҳойиб мамлакатга кетаётганим билан табриқлади. Буюк тарихга эга юртингиз билан яқиндан танишиб, мамлакатларимизнинг дўстлигини янада мустаҳкамлаш ниятидаман.

Ўза мухбирлари ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ЖУДА КЕНГ

Мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлаган Грузия, АҚШ ва Корея Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчилари Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари ҳақида Ўза мухбирларига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Зураб АБДУШЕЛИШВИЛИ, Грузиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Самимий қабул ва юксак ҳурмат-эътибор учун Президент Шавкат Мирзиёевдан миннатдоримиз. Ўзбекистонда элчи сифатида фаолият кўрсатиш мен учун катта шараф. Чунки бу юрт мен учун эскидан жуда қадрдон.

Бугунги Ўзбекистон мутлақо ўзгарган. Ислохотлар, ривожланиш суръати яққол кўзга ташланади. Ишонтириб айтаманки, Ўзбекистондаги фаолиятим давомида бор имкониятимни икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада юксалтиришга қаратаман. Бу иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорликдан таълим, спорт, туризмга кўплаб йўналишларни қамраб олади.

Айниқса, туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятлари жуда кенг. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби лавозимида ишлаётган Зураб Пололишавили менинг юртдошим ва дўстим. У билан сўхбатда Ўзбекистон билан туризм соҳасида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдик. Жумладан, мамлакатингизда жаҳон туризм форумини ташкил этишни режалаштиряпмиз. Бу тадбир келгусидаги самарали ҳамкорлигимиз йўналишларини белгилаб берди.

Даниел РОЗЕНБЛУМ, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Ўзал юртингизга ўтган ҳафта келдим. Миссиям давомида Ўзбекистон - АҚШ ҳамкорлигининг янги йўллари топиш, мамлакатингиздаги ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимдир. Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг қатор соҳаларида салмоқли ишлар бажарилган. Келгусида таълим, қонунчиликни тақомиллаштириш соҳаларида ҳам ҳамкорлигимизни изчил давом эттириш ниятидаман.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга инвестиция жалб қилиш ва сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш бўйича катта режалар белгилаганимиз. Июнь ойида мамлакатингизга АҚШнинг йирик компаниялари вакилларидан иборат делегация келиши кўтилмоқда. Ушбу миссия Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни

гиздаги ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимдир. Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг қатор соҳаларида салмоқли ишлар бажарилган. Келгусида таълим, қонунчиликни тақомиллаштириш соҳаларида ҳам ҳамкорлигимизни изчил давом эттириш ниятидаман.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга инвестиция жалб қилиш ва сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш бўйича катта режалар белгилаганимиз. Июнь ойида мамлакатингизга АҚШнинг йирик компаниялари вакилларидан иборат делегация келиши кўтилмоқда. Ушбу миссия Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни

гиздаги ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимдир. Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг қатор соҳаларида салмоқли ишлар бажарилган. Келгусида таълим, қонунчиликни тақомиллаштириш соҳаларида ҳам ҳамкорлигимизни изчил давом эттириш ниятидаман.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга инвестиция жалб қилиш ва сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш бўйича катта режалар белгилаганимиз. Июнь ойида мамлакатингизга АҚШнинг йирик компаниялари вакилларидан иборат делегация келиши кўтилмоқда. Ушбу миссия Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни

ган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 300 дан ортиқ ташкилот, корхона ва муассаса томонидан 3 минг 500 дан ортиқ бўш иш ўрни тақдим этилди. Яқинда 28 нафар фуқарони ишга жойлаштириш бўйича шартнома имзоланди. Бундан ташқари, ярмаркага ташриф буюрганларга тижорат банклари мутахассислари томонидан имтиёзли кредитларни олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан батафсил маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

Грецияда мuddатидан олдин парламент сайловларини ўтказиш санаси жорий йилнинг 7 июлига белгиланди.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги туб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари мужассам.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган ягона мақсад - халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Мана шундай янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўлларида адашиб, ҳозирги вақтда хатоларидан тўғри хулоса чиқарган юртдошларимизга мамлакатимиз раванқига ҳисса қўшиш учун яна бир бор имконият бериш - жамиятимизнинг инсонпарварлик ва адолат-таъдилларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айрилик доғига мубтало қилади.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб - юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳроқибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида "Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Маъмур инсонпарварлик акти - давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир. Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш - муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг 361 нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, 214 нафар шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазо мuddатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини аёллар, 1 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шунга қўра, Фармон ихросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга кўмаклашиш юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

Мексикада Велакрус штатидан Чапас шаҳри томон йўл олган йўловчи автобус йўл-транспорт ҳодисасига учради. Иккита машинанинг тўқнашиб кетиши натижасида автобус ўт ичида қолди ва унинг салоҳияти йигирма киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

АҚШ савдо вазирлигининг Хитойнинг HUAWEI компаниясини "қора рўйхат"га киритиб, унинг имкониятларини чеклаб қўйганлиги боис ушбу компания Шимолий Америка ҳукуматида судга берди.

Англиянинг "Ливерпул" футбол клубининг Европа Чемпионлар лигасидаги 6-галабаси чарм тўп усталари иштирокида шаҳар кўчалари бўйлаб катта тантаналар билан байрамона тарзда нишонланди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус - 2019" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳўжалик юретишининг бошқа соҳаларида салмоқли ютуқлари билан юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга, одамларнинг ҳаёт даражасини оширишга ўз



САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Мамлакатимизда аллергия соҳасида бўлаётган ўзгаришлар тиббиёт тараққиётига ўз хиссасини қўшмоқда. 2018 йилнинг 11 май ойда Президентимиз томонидан “Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши бу борада жуда улкан иш бўлди.

Халқаро Астма ва аллергияга қарши кураш кун муносабати билан Республика илмий-ихтисослаштирилган Аллергология марказида ўтказилган “Очиқ эшиклар кун” тадбирида ҳам шу хусусда сўз борди.

Албатта, ўз вақтида қабул қилинган мазкур қарорнинг негизидан бир қатор муаммолар ҳам ўз ечимини топмоқда. Сўнгги йилларда фармакология саноатининг улкан қадамлар билан тараққий қилиши, дори-дармонлар, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқишга ихтисослашган хусусий фирмаларнинг кескин кўпайиши оқибатида антибиотиклар, биологик фаол моддалар, иммун ва генетик тизимларга юқори таъсир кўрсатувчи дори-дармонларнинг асосиз ва кенг қўлланилиши ҳам бу борадаги муаммоларнинг қўламни чуқурлаштиради.

Аҳоли сони 33 миллиондан ошган Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида катталар ва болалар аллергия мутахассислар етишмаслиги, бу жабҳага ихтисослашган марказ ва даво муассасаларининг кам ва танқислиги оқибатида чека ҳудуд ва туманлардаги беморлар ҳам ҳатто арзимасдек туолган сабабларга қўра пойтахт ёхуд вилоят марказларига келишга мажбур бўлмоқдалар.

Бугунги кунга қадар катталар ва болалар аллергияларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, қайта тайёрлаш жихатлари етарлича эътибор берил-

маётган эди. Жорий йилдан бошлаб аллергияларнинг малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш Республика илмий ихтисослаштирилган аллергия маркази зиммасига юклатилди. Аллергик этиологияли хасталикларни ва бу жабҳага ихтисослашган Марказ ва даво муассасаларининг фаолиятларини статистик жиҳатдан назорати бўлмаганлиги боис 2019 йил январь ойидан бошлаб шу йилнинг июль ойигача 18 ёшгача бўлган болалар ўртасида аллергия касалликларни аниқлаш ва ташхислаш ҳамда даволашни тўғри йўлга қўйиш учун бир марталик акция ўтказилмоқда.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Республика илмий ихтисослаштирилган аллергия маркази шифокорлари мамлакатимиздаги барча вилоятларга ҳар ойда чиқишлар қилиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш бўлими маълумотлар бериб, маҳорат дарсларини ўтказиб кайтди.

Бу борада Президентимизнинг Республика соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллаштириш тўғрисида сўнгги йилларда чиқарган Фармон ва қарорлардан мамнунмиз. Ўйлаймики, буларнинг барчаси яқин йилларда ўз ҳосилини бериб мамлакатимизда аҳоли ўртача умр кўриши, турмуш сифати, саломатлиги кўрсаткичлари жаҳоннинг энг етакчи давлатлари андозлари даражасига кўтарилади.

Кутбидин НИЗОМОВ,
олий тоифали аллергия

ДАВОЛАШДАН КЎРА КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Кейинги пайтларда ёш болаларда, ҳатто, эмизикли болаларда ҳам кўзнинг ёшланиши, қизариши ёки ачишиши, кўришнинг пасайиши каби кўз касалликлари кўплай учрамоқда.

Мутахассис шифокорларнинг айтишича, бу конъюнктивит кўз хасталигига чалиниш сабабли келиб чиқмоқда. Биз конъюнктивит касаллиги ҳақида Юнусобод тумани 55-оилавий поликлиникасининг II тоифали офтальмолог шифокори Камола Ёқубова билан суҳбатлашдик.

– Конъюнктивит нима? У қандай касаллик?

– Конъюнктивит – кўз ташқи шиллик қаватининг яллиғланишидир. Асосий белгилари ҳароратнинг кўтарилиши, кўзнинг ёшланиши, қизариши ёки ачишиши, кўришнинг пасайиши, қовоқларнинг шишиши, ёруғликдан кўркиш, кўзларда қичишиш, лоҳаслик, кўзда йиринг пайдо бўлиши. Конъюнктивит одатда, болаларнинг икки кўзига ҳам зарар етказиши. Кўпгина бу касаллик бир кўзнинг бошқасига қараганда кўпроқ ассиметрик зарарланишига олиб келади. Статистика буйича 4 ёшгача бўлган болаларда 30 фоиз офтальмологик касалликларни конъюнктивит ташкил этади. Агар даволашни ўз вақтида бошланмаса, кейинчалик боланинг кўзлари хиралашишига олиб келади. Бактериал конъюнктивит ривожланишида болаларда этиология (келиб чиқиш) қуйидагиларга олиб келиши мумкин: отит (қулоқ яллиғланиши), синусит (бурун ёнбоши бўшлиқларининг яллиғланиши), тонзиллит (томоқ яллиғланиши) каби йирингли-септик хасталикларнинг пайдо бўлиши, кўзнинг механик шикастланиши, иммун тизимининг ҳаддан ташқари заифлашиши. Касаллик кўзгача қўйиладиган турларга бўлинади: вирусли, бактериал, аллергия. У катталарда ва болаларда бир хил нисбатда учрайди. Конъюнктивит болаларда энг кўп учрайдиган кўз касаллиги ҳисобланади. 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда учраш кўрсаткичи жуда юқори.

– Ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

– Вирусли конъюнктивит, асосан, вирусли касалликларнинг асорати ёки тизимли, вирусли касалликлар: қизамиқ, қизилча, сувчечак, тепкилардан кейин кузатилиши мумкин. Бирламчи касаллик сифатида эса энтеровирус ёки адено-вируслар бўлиши мумкин. Бактериал конъюнктивит кўзга патоген микроорганизмларнинг тушуши туфайли кузатилиши мумкин. Патоген микроорганизмлар – стрептококк, стафилококк (тилла ранг, эпидермал, сапрофит), ичак таёқчаси, Кох таёқчаси, гонококклар ҳисобланади. Аллергик конъюнктивит – аллергиялар, гул чанги, ҳайвонлар юнги, оддий чанг орқали келиб чиқади.

– Касалликка хавф туғдирувчи омиллар нимадан иборат?

– Гигиенага риоя қилмаслик, кўз ишқалаш одати (асосан, кир қўл билан), миопия, гиперметропия, астигматизм (кўриш ўткирлигининг пасайиши касалликлари), кўзга шамол тегиши, контакт линзалардан нотўғри фойдаланиш, кўзнинг зўриқиши натижасида кўз чарчashi, модда алмашинувининг бузилиши, витаминлар етишмовчилиги, бурун ва кўз ёш каналларининг сурункали касалликлари, сезуванликнинг ортиши, ультрабинафша нурланишлар ҳам бунга сабаб бўлади.

– Бу хасталикда беморда қандай клиник симптомлар кузатилиши мумкин?

– Кўз конъюнктивасининг қизариши, кўзда ёт танача ёки қум тикилиши ҳисси, кўзда қичишиш, ёшланиш, қовоқлардаги шиш, эртаблар турганда қовоқларнинг бир-бирига ёпишиб қолиши, кўпгина, касаллик иккинчи кўзга ўтади, шиллик йирингли ажралма ажралаши.

– Конъюнктивитнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Энг аввало, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Инфекция кўзга ифлосланган кўзлардан ўтиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун оналар фарзандларининг тозаланишига риоя қилишлари, кўзларини доимо ювишини назорат қилишлари ва бунга уларга тушунтиришлари ҳамда уларда бунга кўнжма ҳосил қилишга ёрдам беришлари лозим. Катта ёшдаги болаларда конъюнктивитнинг олдини олиш мақсадида оналар фарзанди билан ўйин тарихида совун билан қўлни ювишга, шахсий сочқ қўлига ўргатишлари лозим. Болаларнинг ётоқ, ўринтўшақларини ҳафтада бир марта алмаштириш керак. Ҳар ойда бир марта юмошқ ўйинчоқларини ювиш зарур, чунки бу ўйинчоқлар чанг, кирларни ўзига йиғиб олади. Ҳар кун, ҳатто, қишда ҳам хонани кўнжга икки мартаба шамоллатиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари витаминларга бой ва табиий озуқалардан иборат бўлиши – болаларнинг иммун тизимини мустаҳкамлаб, конъюнктивит касаллиги юзага келишининг олдини олишга ёрдам беради. Болага нафақат уйда, балки бочча ва лагерда ўзининг шахсий сочқига, тиш ювиш анжомлари, ёстиқ, чойшабларни бўлиши кераклигини ота-она тушунтириши зарур.

– Конъюнктивитдан даволашни чора-тадбирлари қандай олиб борилади?

– Даволаш чоралари, албатта кўз шифокорининг маслаҳати остида олиб борилиши зарур.

Ориф ЖУМАЕВ суҳбатлашди

ЎЗБЕК КИНОСИ ГРАН-ПРИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Мамлакатимизда кино соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган истиқболли режалар, қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг юксак натижасидир.

Франциянинг Канн шаҳрида бўлиб ўтган 72-халқаро кинофестивали доирасидаги “ENTRE 2 Marches” қисқа метражли фильмлар фестивалида ўзбекистонлик ёш кинорежиссёр Шокир Холиқовнинг “Чой” номи кинокартиниси Гран-при мукофотига лойиқ деб топилди.

Донги дунёга кетган кинофестиваль доирасида ўтказилган “ENTRE 2 Marches” ижодий лойиҳаси номидаги муаммолари, имконияти чекланган шахсларнинг долзарб масалаларини кино санъатининг сўнгги ютуқлари воситасида кенг жамоатчиликка намойиш этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Шокир Холиқовнинг айтишича, мазкур фестивалга 700 дан ортиқ иштирокчилар ариза тушган бўлиб, давлоғлар томонидан тақдим этилган энг сара 25 та кинокартина намойиш учун танлаб олинган.

“Чой” фильми аслида ёш режиссёрнинг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти тавомлаш арасида яратилган диплом иши бўлиб, ҳозирга қадар ушбу картина юртимизда ўтказилган “PROlogue” халқаро кинофестивали, “Изҳор” ёшлар ижодий танловида совринли ўринларга муносиб топилди билан бирга Македония, Россия, Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалларда ҳам муваффақият қозongan.

Советларга сазовор бўлаётган, ўн олти минут давом этувчи ушбу қисқа метражли “Чой” кинофильми инсонийлик, меҳр-муруват, тирикликнинг асл мезонлари, умрнинг қадри, ҳаётини англаш, ёши катталарга ва қарияларга ҳурмат ва эҳтиром ҳақида гоё таъсирчан, маҳзун, ҳаётий тарзда хикоя қилади.

Ёш ижодкор фильмининг юксак мукофотга сазовор бўлиши нафақат киносаноатида балки мамлакатимизнинг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик қувончли воқеадир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Яқинда Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд вилоятларида Ўзбекистон – Исроил мамлакатлари ҳамкорлигида “Илим, Технология, Таълим, Математика, Тиббиёт” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, юртимиздаги бир қанча олий таълим муассасалари вакиллари, ёш олимлар ва магистрлар иштирок этди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Исроил Холон технологиялар институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу конференцияда вазириликлар, парламент аъзолари, ишлаб чиқариш вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, соғлиқни сақлаш, электрон тижорат, таълим технологияси соҳаларида эришилган ютуқларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари юзасидан фикр юритилди. Тадбирда исроиллик 30 дан зиёд олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Исроил Холон технологиялар институти ўртасида 2018 йил 4 июлда ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Мазкур анжумандан қўзғалган асосий мақсад эса: рақамли технологиялар, таълим, математика медицина соҳалари билан шуғулланувчи икки давлат мутахассислари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Исроил делегацияси уч гуруҳга бўлинди. Жумладан, биринчи гуруҳ профессор-олимлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзбекистонлик талаба-ўшларга замонавий технологиялар ҳақида илмий маърузалар ўқиш учун таълим қилишга, Иккинчи гуруҳ асосан шифокор-офтальмолог олимлардан иборат бўлиб, улар Самарқандда 2 кун ва Тошкентда 3 кун бепул хайрия акцияларини ташкил этишди. Учинчи ишбилармон тадбиркорлар гуруҳи эса ҳаводан сув олиш ускунаси тақдирини ўтказди.

Анжуман доирасида турли мавзуларда маърузалар тингланиб, тажриба алмашилди. Бир қатор соҳаларда комплекс анализ, потенциаллар назарияси, математик моделлаштириш масалалари, инновацион ривожланиш тенденциялари, замонавий рақамли технологиялар, таълим ва тиббиёт соҳаларидаги муаммолар юзасидан мулоҳазали, мушоадалли фикрлар ўртага ташланиб, бир қанча соҳалар муҳокамасига бағишланган амалиётлар бажарилди.

– Бу конференция дастлаб фақат математика соҳасида ўтказилган эди. Кейин икки давлат ўртасидаги келишувга асосан бешта йўналишни ўз ичига олди, – дейди Ўзбекистон Миллий университети таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, физика, математика фанлари номзоди Ғолибжон Ботиров. – Тадбирнинг асосий мақсади фундаментал фанларни амалиётга жорий қилиш ва амалда қўллаб қўриш. Негаки назарий жиҳатдан анча ишлар қилинган, бироқ халқаро даражада эътибор қаратилмай қолган.

Дарҳақиқат ушбу анжуман мамлакатимизда фаннинг устувор йўналишлари бўйича илмий-техник дастурларни амалга ошириш, илм-фан йўналишида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ёш олимларни соҳага жалб қилиш ҳамда уларни соҳанинг етуқ мутахассислари билан алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Дилноза АТОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази жамоаси Марказ директори, ЎзРФА академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Р.Убайдуллаевага ўқиси **Баҳодир Ахатович ТАШПУЛТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтининг “Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш” кафедраси доценти Салимова Барно Джамаловнанинг падари бузруквори **Жамол ота САЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб замирида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни янги bosқичга олиб чиқишдан иборатдир. Бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ислохотлар янада изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, республикада коррупцияга қарши курашиш ва бу каби ёмон иллатни мамлакатнинг барча соҳа ва жабҳаларидан сиқиб чиқариш, юртни коррупциядан холи давлатга айлантиришда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан улкан ишлар қилинмоқда.

КОРРУПЦИЯ – МАМЛАКАТ РИВОЖИГА ТАҲДИД

Ҳар бир соҳани, энг аввало, қонунчилик базаси мустаҳкам бўлса ҳамда унга оғишмай амал қилиниши мамлакатни жаҳон аренасида юксак поғоналарда туришига туртки бўлади. Ҳар бир қонун яхшиликни кўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади. Айрим қонунлар ўз мазмун-моҳиятига қўра давлат ва жамият тақдирини, халқ келажагига ва ҳар биримизга дахлдор бўлади. Миллий парламентимиз томонидан қабул қилиниб, 3 январь кун Президентимиз томонидан имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан биридир.

Коррупция нима? Бу ҳақда ҳаммининг ўзига хос тасавури, тушунчаси бор, албатта. Қонунда унга шундай таъриф берилган: “коррупция — шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”. Мамлакатимиз тараққиёти ва ривожига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаромизнинг унинг ёши, жинси, ирки, мавқеи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар мазкур қонун билан яқиндан танишиш, унинг ҳар бир моддасини чуқур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этишга интилиши, коррупциянинг қақадар мудҳиш иллат эканини тушуниши, мустақил идрок этиши, энг муҳими, унга қарши курашиши барчанинг бурчидир.

Жаҳонда коррупциянинг тури ҳам, тавсифи ҳам жуда кўп. Унинг келиб чиқиш сабабларини очиб, унга қарши курашишнинг самарали йўлларини топиш бўйича турли тадқиқот муассасалари, халқаро ташкилотлар, давлат органлари ва ташкилотлари, олимлар томонидан юзлаб тадқиқотлар ўтказилган. Турли кўрсаткич ва рақамлар акс этган жадваллар яратилган, ўзига хос рейтинглар тузилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил формуллари ҳам ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишлар ва изланишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўрасида бугунги кунда давлатлараро икки ва кўп томонлама ҳамкорликлар ривожлантирилиб, бу ҳамкорликни янада юқори сифат даражасига эришиш учун саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияни келиб чиқишига шароит яратиб берувчи омиллар турли-туман бўлиб, уларнинг асосийлари:

Икки хил маънони англатувчи қонунлар — ушбу назар ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратди. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларини ҳам коррупцияга қўлай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ микдори йўқлиги судьяда уни ўз хоҳишига қараб қўлашга шароит яратиб беради.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги — аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки

тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг манфаати йўлида қонунлардан фойдаланга қўлай шароит яратди. Масалан, биргина одамларнинг турли туман ҳашамларга берилиши коррупцияни келтириб чиқарувчи муҳим омил саналади. Мўхташам уй, дангиллама дала довллага, энг сўнгги моделдаги автомашинага эга бўлиш, шов-шувли тўй, тантаналар қилишга интилиш қандай бўлмасин, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада, бировдан пора олишга туртки бўлади. Порахўрлик иллати жуда кам учрайдиган мамлакатлар (Дания, Норвегия)да фуқаролар жуда камтарона яшашга одатланишганини кўрсатади. Улар учун ҳашамга интилиш маънавиятсизлик саналади.

Аҳолининг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг пастлиги ҳам коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар сирасига қиради. Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматчиларининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилгани, аҳоли даромадларининг кескин кўтарилиши бу иллатнинг илдинини қирқишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги — биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қўлай шароит яратиб беришга хизмат қилиши табиий, албатта. Барчамизга маълумки, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради. Агар қонун ҳаётда ишламаса, унинг бир неча варақ оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Шундай экан, коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларни амалда ишлаб кетишини қўтиб ўтириш ва барчаси изга тушиб кетади деган ўй-хаёл билан яшаш бу катта хато бўлади. Коррупциядан қўтулиш, ислохотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиси ўйлашимиз, бунинг зарурати ҳам биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак. Бу кураш бизнинг қонундаги ҳаётимизга айланса, биз ўз олдимизга қўйган мақсад, яъни давлатимизни буюқ давлатга айлантира оламиз.

Чарос ЮЛДОШЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази бош мааслахатчиси

Спорт янгиликлари

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
ҲАМДА ҲАҚАМЛАР**

Пойтахтимиздаги "Чигатой" спорт базаси ҳамда "Бунёдкор" футбол клуби академияси биносига ЎФА ташаббуси билан ёш ҳақамлар учун навбатдаги семинар машғулотлари уюштирилди.

Ушбу машғулотларга тажрибали ҳақамлар, ФИФА реферлари Равшан Эрматов, Владислав Цейтлин ҳамда назоратчилар Марат Исмоилов, Арслон

Ҳотамов раҳбарлик қилишди. Эътиборлиси, тадбир доирасида ёш ҳақамлар билан назарий ва амалий машғулотлар олиб борилгани тажриба ҳамда маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. 31 нафар ҳақам иштирок этган бу каби семинарлар йил давомида мунтазам равишда уюштирилиб борилади.

Спортнинг барча турларида шуғулланишлари ва малакаларини оширишлари учун етарлича мураббийлар, спорт мажмуалари ёшларимиз ихтиёрида.

**ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШГА
ЧОРЛАЙДИ**

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимиз ўқиб изланиши, юрт шарафини ҳимоя қилишга доимо тайёр туришлари учун таълим йўналишининг ҳар бир жабҳасида жаҳоннинг энг илғор педагогикаси асосида сабоқ берилмоқда.

Ташкил этилаётган мусобақалар орқали кучли спортчиларнинг сафи янада кенгаймоқда. Республика техника ва амалий спорт турлари марказида Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги Ўқув спорт техника клублари ўртасида спортнинг ҳаво жанги тури бўйича Тошкент шаҳар очик Чемпионати ва биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.


Дастлаб тадбирда Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Маъруф Джалолов сўзга чиқди ва иштирокчиларга омад тилаб, чемпионатни очик деб эълон қилди. 26 дан ортик мусобақа қатнашчилари ўз жамоалари ва Ўқув спорт техника клублари шайини ҳимоя қилиш мақсадида ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди.

Ёшларимиз олдиндан олий ўрин учун тинимсиз меҳнат қилишгани ва изланишгани чемпионат давомидаги ҳаракатларидан яққол сезилиб турди.

— Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик спортга қизиқишимни ошишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди мусобақанинг F-2-A-синфида ғолиб бўлган Ҳумоюн Алиев. — Ёшларнинг спортнинг техника ва амалий турларига бўлган қизиқишларини янада кучайтишда ўтказилаётган мусобақаларнинг ўрни катта. Мазкур мусобақа галабага бўлган интилимнинг орттирди. Келажакда бундан-да юқори марраларни кўзламоқдаман.

Натижаларга кўра жамоалар орасида 1-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек ЎСТК", 2-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Олмазор ЎСТК", 3-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" ларга насиб этди.

Зиёда РАСУЛОВА



**МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ
КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР**

Камтарлик, мардлик, ҳақиқатгўйлик ва саҳийлик — одамлиқнинг олий фазилатларидир.

* * *

Одамга энг кераги — атрофдагиларнинг меҳрию ўз Ватани.

* * *

Одобли — ҳамманинг меҳрини қозонувчидир.

* * *

Камтарлик — гунчадир, унинг очилиши келажакда.

* * *

Ота-онанинг меҳри — болани воёга етказувчи офтобдир.

* * *

Одоблининг орқасидан раҳматлар эргашиб юради.

* * *

Яхши одам — мавқеини ранглаб кўрсатмайди.

* * *

Меҳр қозониш инсонга қанот беради.

* * *

Одийлик — одоблиқдир.

* * *

Ҳар бир одам — жаҳон ичидаги жаҳондир.

* * *

Боланинг камолоти — ота-онанинг орзусидир.

* * *

Инсониятга қилинган яхшилик — келажакда қуёш бўлиб иситади.

* * *

Диёнат — одамлиқнинг қиммати.

* * *

Одоблининг тилидан ифтор таралиб туради.

* * *

Меҳр билан ўтказилган кўчат албатта кўради.

* * *

Камтарлик одамни улғулайди.

* * *

Одамда инсоф бўлса, имони барқарордир.

* * *

Ота-она учун фарзанд — қалб ғурури.

* * *

Ҳар бир одамнинг қадри — одамгарчилиги билан.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан қайта рўйхатдан ўтган "IMMUNO BIO GRAND" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 302549889) почта манзили: Юнусобод тумани, 17-мавзе, Саннат худуди (Шимолий қисми участка № 2) 42. Таъсисчиларнинг 23.05.2019 йилдаги № 2 йиғилиш баённомасига асосан ихтиёрий равишда

ТУГАТИЛАДИ
Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида +99890 997-22-92 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 02.03.2018 йилда № 305367100 сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SMART RESTAURANTS" МЧЖ (СТИР 305367100) таъсисчиларнинг 4.04.2019 йилдаги № 2 сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ
Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 5 июнь куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Ҳарорат кечаси — 16-17, кундузи — 30-32 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**МАЛАКА ОШИРИШ ИМКОНИГА
ЭГА БЎЛДИ**

ЎФА малакали мураббийларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга катта аҳамият бермоқда.

Яқинда ЎФА ташаббуси билан мураббийликка тайёргарлик бўйича 4 кунлик ўқув курслари уюштирилди. Унда муратқаб бўлими ният қилган 10 нафар даъвогар ёшлар таҳсил олишди. Тажрибали мутахассис Юрий Арслонов раҳбарлигида ўтган ўқув курсларида унга Ойбек Давлатмуродов ёрдам берди. Эътиборлиси, катнашувчилар орасида Фарход То

жиев, Сергей Рекун сингари яқин ўтмишнинг маҳоратли футболчилари ҳам бўлгани қувонарли. Ўқув курсларида назарий ва амалий машғулотлардан кейин иштирокчилардан имтиҳон олинди. Имтиҳонни муваффақиятли топширганлар "С" лицензияси учун яна ўқиш имкониятига эга бўлишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"ЭКОСАН" халқаро хайрия жамоат фонди тасарруфидаги 2016 йилда ишлаб чиқарилган ГБА СПГ "COBALT" русумли енгил автомашинани САВДОГА ҚЎЯДИ
Маълумот учун телефонлар: 239-83-01, 234-24-88 т/ф.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!



Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активлари бошқариш маркази" ДУКга тегишли, Тошкент шаҳрининг Сайилгоҳ кўчасига жойлаштирилган енгил турдаги замонавий кўчар павильонларни (жами 40 та павильон) ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда.

Ҳар бир павильонни ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.

Ҳар бир павильонга бўлган ижара ҳуқуқи шартномаси 5 йил муддатга, шунингдек, павильонни ҳар йиллик ижарага бериш уч томонлама ижара шартномаси ҳамда эксплуатация шартномаси тузилади.

Аукцион савдоси 2019 йил 5 июль куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 3 июль куни соат 18:00 гача. Юқоридеги кўчар павильонлар 2019 йил 5 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йил 20 июль куни соат 15:00 да. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 18 июль куни соат 18:00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан ижарага олиш ҳуқуқи шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "РММ" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: 228-79-52. Гувоҳнома № 001805

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уйда жойлашган "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиали биносининг қозонхонасидаги иситиш жиҳозларини мукамал таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уй.
Телефонлар: (71) 287-41-54, (71) 270-02-52.
Нархлари фойзда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қилинади.

**ОЛИЙ ФАРМАЦЕВТИК
МАЪЛУМОТ**
икки олий ўқув юртларининг дипломи билан (2 босқичли)



Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети ва Тошкент фармацевтика институти ўртасида ташкил этилган кўшма халқаро факультетнинг бакалаврият таълим йўналишига 2019-2020 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Таълим рус тилида "Фармация" таълим йўналиши бўйича уйғунлаштирилган ўқув дастури асосида олиб борилади.

Таълим жараёнининг давомийлиги 5 йил:
* шундан 3 ўқув йили — таълим жараёни Тошкент фармацевтика институти негизида амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси;
* 2 йил — Санкт-Петербург давлат кимё ва фармацевтика университети негизида, Россия Федерацияси;

* Кўшма факультетга қабул квотаси — 50 нафар талаба;
* Уйғунлаштирилган ўқув-таълим дастури бўйича ўқитиш қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;
* Таълим тури — кундузги.

РУС ТИЛИНИ БИЛИШ МАЖБУРИЙ
Ҳужжатларни қабул қилиш вақти: 5-30 июнь 2019 й.
Имтиҳонларни топшириш вақти: 1-7 июль 2019 й.

КИРИШ СИНОВЛАРИ
Рус тили — диктант;
Кимё — тест;
Биология — тест.
ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ
Ойбек 45, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси.
Мўлжал: "Ойбек" метро бекати. Тел.: (99871) 256-37-38, (99871) 256-06-62.
E-mail: http://pharmi.uz/

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 169-сонли умумий ўрта мактаб томонидан 1981 йилда Саттарова Дилдора Шукуровна номига берилган 8-синфни битирганлиги ҳақидаги № 672236 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 169-сонли умумий ўрта мактаб томонидан 1983 йилда Саттарова Дилдора Шукуровна номига берилган 10-синфни битирганлиги ҳақидаги № 257477 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент авиация коллежи томонидан 2000 йилда Абдуллин Вагид Мунавирович номига берилган № 385629 рақамли (58-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "BROKER UCHQUN" брокерлик уюшмасига (СТИР 207 106 900) 2011 йил 11 январда берилган № 130 реестр давлат тартиб рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"BROKER UCHQUN" брокерлик уюшмаси ташкилот номини "BROKER" брокерлик уюшмасига ўзгартирилгани маълум қилади. Ҳуқуқий вориси этиб "BROKER" брокерлик уюшмаси ҳисобланади. Мурожаат учун телефон: +99894 641-99-33.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 18.07.2018 йил TN № 001051-рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган реестр тартиб рақами 1050 бўлган "JURIS COUNSEL" адвокатлик бюроси (СТИР 207280956) таъсисчиларнинг 04.06.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Миробод тумани, Эски Саракул кўчаси, 164-уй. Телефон: (94) 612-23-55.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 07.12.1999 йил 496-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган "ALPLA TASHKENT" МЧЖ (СТИР 202408575) таъсисчиларнинг 03.06.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Зироат кўчаси, 1-уй. Телефон: (97) 407-87-25.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-28-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2024 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АКРОМОВ